



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
23 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 92
(12.416)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ХУНАРМАНДЧИЛИК



«ФЕРУЗА»НИНГ КИЙИМЛАРИ ХАРИДОРГИР

Аёл киши борки, кийим-кечакка эътиборли бўлади. Ясан-тусанга ҳавас уларда қизалоқлик пайтларидаёқ шаклланади. Фотима Шерматова ҳам бундай табиий эҳтиёждан бабахора эмас эди, албатта. Ёшлигидаги ҳавас бора-бора иштиёққа айланиб, охир-оқибат моҳир тикувчи сифатида бутун Ангрэн шаҳрига танилишига сабаб бўлди.

Бугун у бошлик "Феруза" тикувчилик ательесига тайёрланаётган 20 хилдан зиёд миллий кийим-кечаклар таърифи бутун вилоятга ҳам ёйилган десак, муболага бўлмайди. Зеро, ательеда

каштачилик ҳунарини ҳам эгаллашади. Ҳозиргача у 6 шоғирдига тикувчилик ва каштачилик ҳунарини ўргатди. "Феруза" да ҳозир тўрт тикувчи ишлаяпти, — дейди ҳунарманд Фотима Шерматова. — Буюртмачиларнинг эса, кети узилмайди. Энди ательемиз торлик қилиб қолди. Кўпдан бери ўйлаб

СУРАТДА: ҳунарманд Фотима Шерматова. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ҳақамлик судлари академиясида ҳақамлик судьяларига номзодларни тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ўқув курслари бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорлар манфаатларига жавоб берадиган ва халқаро бизнесни ривожлантириш амалиётига мос келадиган суд ишлари кўриб чиқишнинг ривожлантириш жараёни бошланди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг кўпайгани ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳуқуқий маданияти муттасил ошаётганининг яна бир далилидир.

Ҳақамлик судлари мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўз ўрнига эга. Доимий фаолият юритадиган ҳақамлик судлари сони тобора ошмоқда. Бугунги кунда уларнинг сони уч юзтадан кўпдир. Ўзбекистон Республикаси Ҳақамлик судлари академияси ҳақамлик судьяларига номзодларни тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган курсларни ташкил этди.

Ҳақамлик судларининг нуфузи ва обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолатдир. Масалан, йирик хусусий компаниялар ўз ҳақамлик судларини ташкил қилишдан манфаатдорлигини билдирмоқда. Чунки ушбу судларда баҳслар янада тезроқ, давлат судларига қараганда қисқа вақт ичида ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари, баҳсни ҳал қилиш билан боғлиқ молиявий харажатлар ҳам ҳақамлик судларида сезиларли даражада кам. Юридик шахслар ҳузурида ҳақамлик судларини ташкил қилиш давлат судлари ишини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА муҳбири.

2012 йил учун

ОБУНА

давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетаси индекси — 205.

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ — ВАТАН ФАРОВОНЛИГИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси Бўқа тумани бўлинимасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция иштирокчилари жамғарма туман бўлинимаси бошқарувининг 2006-2011 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги маъруза ҳамда жамғарма тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Шунингдек, конференцияда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"дан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини

АНЖУМАН

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожига алоҳида аҳамият касб этиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг ошишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда ишбилармон, қўли гул аёлларнинг ҳам катта ўрни бор.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш самарасида касаначилик, оилавий бизнес соҳалари тобора кенгаймоқда. Мамлакатимизда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш тўғрисида 191,9 мингта, шу жумладан корхоналар билан кооперация асосида 55,8 мингта, лудрат шартномалари ва оилавий бизнес асосида 136,1 мингта иш

аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тадбиркор аёллар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб боришида давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриямал бўлаётди. Мақор фармон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Тадбир доирасида миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган тадбиркор аёлларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

ЎЗА.

2011 йил - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ИМТИЁЗЛАРГА ЯРАША КЎЛАМ ҲАМ ОРТМОҚДА

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижтимоий-иқтисодий тараққиётга янада кенг кўлам ва суръат бағишлади. Қулай солиқ тартиби, мўмай ва имтиёзли банк кредитлари хусусий бизнесни изчил ривожлантиришда тобора салмоқли ўрин тутмоқда.

Шаҳар ва туманларда бу йил ташкил этилган 200 дан ортиқ янги sanoat корхоналарининг 180 дан кўпроғи айнан кичик бизнес субъектлари. Тўққиз ойда рўйхатга олинган бундай корхоналар ўтган йилнинг шу муддатидагидан 18 фоиз кўпайди. Улар ишлаб чиқаётган истикболли лойиҳалар қўллаб-қувватланаёпти, амалга ошириш учун узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Бекобод шаҳрида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида барча вазифалар аниқ белгиланган олигинлиги қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Биринчи чоракдаёқ тадбиркорлар ва ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан 3 миллиард сўм ажратилди. Унинг 2,8 миллиард сўми банк кредитлари. Тадбиркорлар 659 миллион сўм имтиёзли кредит олишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида 2190 та иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Қисқа фурсатда 140 та кичик бизнес корхоналари ишга туширилиб, дастлабки уч ойда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўзида 438 киши иш билан таъминланди. Бу шаҳарда яратилган жами иш ўринларининг 56 фоизидан кўпроқдир.

Тадбиркорлар хорижага жадал чиқиб боришяпти. Бунинг учун зарур ахборот олиш, хорижий ҳамкорлар топиш, тегишли ҳужжатлар-

дан 3,1 фоизга кўтарилиб, 58,7 фоизга етди. Маҳаллий хом ашёлардан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, уларни хорижага экспорт қилиш кучайиб бормоқда.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ажратаётган кредит маблағлари асосан янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ёки ишлаб турган корхоналарда технологик ускуналари модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириляпти. Чунинчи, шу йилнинг дастлабки олти ойида Қирғай тумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 9 миллиард 627 миллион сўм миқдорда кредит олди. Унинг 973,7 миллион сўми sanoat, 2 миллиард 696 миллион сўми қишлоқ хўжалиги, 2 миллиард 323 миллион сўми маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, 90 миллион сўми қурилишни ривожлантиришга сарфланди.

Фақат айрим кичик корхона ёки микрофирмалар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослаштириб ташкил этиляди. Ҳолбуки, бозор муносабати шароитида ишлаб чиқариш ёки хизмат турларини тезда янгилай олиш имконияти рақобатга бардош бериш, барқарор ривожланиб бориш омилдир. Бинобарин, тадбиркор энг кам куч ва ресурс сарфлаб, қисқа фурсатда ўзгарилаётган технология ва техникаларни танлаши зарур. Бу иқтисодийда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини беради.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида "Иссиқлик таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" мавзусида даяра суҳбати ўтказилди.

МУАММОЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоциацияси, "Тошиссиқликкуват" ИЧБ УК вакиллари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда аҳолини иссиқлик билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминотида юзага келаётган муаммолар сабаблари ҳамда соҳага тааллуқли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда кўмита томонидан аҳолига коммунал хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ўрнаш ва таҳлиллар ўтказилиб, ушбу тизимларда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида муаммо ва камчиликлар ўртага ташланиб қатнашчилар томонидан тегишли тавсиялар киритилди. "Туркистон-пресс".



рилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилиб, амалий тақлиф ва тавсиялар баён этилди. Конференция қатнашчилари жамғарманинг янги тахрирдаги Низомини, рамизи ҳамда унинг тузилмасини ҳам муҳокама қилдилар. Анжуман жамғарманинг туман бўлинимаси бошқаруви аъзоларини, тафтиш комиссияси раиси ҳамда аъзоларини сайлади.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Бўқа тумани бўлинимаси бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келган Шокир Турдиев ўз лавозимига қайта сайланди. Конференция иштирокчилари "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди. Даврон АХМАД олган суратлар.

